# ЎЗБЕКИСТОН ЙЎЛИНИНГ АМЕРИКАДАГИ ЭЪТИРОФИ



*Американиклар Ислом Каримовни қутламоқдалар.*

**(Давоми. Боши 1-бетда).**

диган «Газкомпрессор» қўшма корхонасини тузишни кўзда тутади. Мана шу икки лойиҳа бўйича Ўзбекистон иқтисодиётига 102 миллион доллар сармоя киритилиши режалаштирилган. Бу ўз навбатида мамлакатимизда энергетика ресурсларидан оқилона фойдаланишга, атроф-муҳит тозалигини таъминлашга имкон яратади.

Вашингтонга ташриф унутилмас воқеаларга бой бўлди. 24 июнь куни Америка-Ўзбекистон савдо палатаси юртбошимиз шарафига уюштирган қабул маросимида палата раиси Николас Никозмерад Президент Ислом Каримовга Ҳамкорлик йўлидаги фаол раҳбарлиги ва озодликка бўлган иродаси учун медалини топширди.

Ўзбекистон раҳбари кўплаб ишбилармонлар, журналистлар иштирок этган бу қабул маросимида икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорлик ривожига катта ҳисса қўшаётган америкалик тадбиркорларга алоҳида миннатдорлик билдирди.

— Сиз улкан иш қилмоқдасиз, — деди Ислом Каримов жумладан уларга мурожаат этар экан. — Энг ишончли ҳаракат доимо икки томонлама бўлади. Биз ана шу ўзаро манфаатдорлик асосида Америка капиталининг Ўзбекистонга оқиб келиши учун кенг эшиклар очмоқдамиз. Бу Ўзбекистон ва Америка халқларининг дўстлиги ва хамкорлигини мустаҳкамлашга беқиёс имкониятлар яратади.

Англиялик Ж. Смисон асос солган, айни пайтда 16 музей ва 6 илмий тадқиқот институтини ўзида мужассам этган Вашингтондаги «Смисониан инститюшен» музейлар мажмуасининг М. Саклер галереясида Осиё халқлари санъати намуналари намойиш этилади. Галереяда Ўзбекистонлик меҳмонлар ташрифи муносабати билан Марказий Осиё тарихи ва маданиятининг нодир ёдгорликлари кўргазмаси ташкил этилди. Кўргазмада биз Беҳзод қаламига мансуб миниатюралар, Улуғбекнинг «Зижи Кўрагоний» асари, Саъдийнинг Алишер Навоий учун махсус кўчирилган «Гулистон»и ва бобокалонимиз Амир Темур учун кўчирилган Усмонли Қуръони улкан китобининг авайлаб сақланаётган саҳифаларини кўришга муваффақ бўлдик. Музей ходимлари Ўзбекистон делегациясига ана шу Қуръон саҳифаларининг нусхасини топширдилар. Ўзбекистон Президентининг давлат маслаҳатчиси Содиқ Сафоев музей ходимларига миннатдорлик билдириб, бобокалонимиз учун кўчирилган Қуръон саҳифалари нусхаси улуғ соҳибқироннинг 660 йиллик тўйига муносиб совға бўлажагини қайд этди.

Яна бир тарихий воқеа Вашингтонда Ўзбекистон Республикаси элчихонасининг янги биноси очилиши бўлди. Маросимга АҚШ мудофаа вазири У. Перри, АҚШ давлат департаментининг МДҲ мамлакатларига нисбатан сиёсати бош мувофиқлаштирувчиси, элчи Ж. Коллинз, энергетика вазири Г. Оълири хоним, дипломатлар, хориждаги ватандошларимиз ташриф буюрдилар.

Ўзбекистон ва АҚШ давлат мадҳиялари янграгач, Ислом Каримов ва У. Перри алвон лентани қирқдилар.

Ушбу қувончли воқеа муносабати билан уюштирилган қабул маросимида Ўзбекистон Президенти И. Каримов, элчи Ж. Коллинз, энергетика вазири Г. Оълири хоним ва бошқалар мамлакатимиз билан АҚШ ўртасида тобора ривожланиб бораётган дўстлик ва ҳамкорликнинг кенгайиши ва мустаҳкамланишини ёқлаб фикр билдирдилар.

Шу куни юртбошимиз Жаҳон банки қароргоҳида мазкур нуфузли халқаро ташкилот президенти Ж. Вулфенсон билан суҳбатда бўлди.

АҚШ пойтахтига ташриф сўнгида Президент Ислом Каримов миллий матбуот клубида журналистлар билан учрашиб, ташриф якунлари, мамлакатимизда иқтисодий, сиёсий ислоҳотларнинг бориши, жамиятда матбуотнинг ўрни ҳақидаги саволларга жавоб қайтарди.

26 июнь куни Ўзбекистон Президенти Вашингтондан нафақат Техас штатидаги, балки Америкадаги йирик шаҳарлардан бири Хьюстонга келди. Бу шаҳар саноатида нефт ва газ қазиб олиш, айниқса муҳим ўрин тутади. Бу ерда қўлланилаётган юксак технология Ўзбекистонлик кончилар билан хьюстонликлар ўртасида ҳамкорлик ўрнатилишига асос бўлди. Бироқ айни пайтда алоқаларни янада кенгайтириш зарурати туғилмоқда. Бунда Ўзбекистондаги мавжуд имкониятлардан бўлажак ҳамкорларни воқиф этиш муҳим аҳамият касб этади. Шу боис «Ўзбекнефтгаз» миллий корпорацияси бу ерда «Ўзбекистоннинг нефтгаз салоҳияти» мавзуида кўргазма ташкил этди. Шаҳарнинг муҳташам «Хюстониан» меҳмонхонаси мажлислар залида ана шу мавзуда конференция бўлиб ўтди.

Конференцияда раислик қилган Америка савдо ва тараққиёт агентлиги директори Ж. Грандмейсон ва АҚШнинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси С. Эскудеро мамлакатимиз билан Америка Қўшма Штатлари ўртасидаги алоқалар янги босқичга кирганини, бу алоқалар ривожида Президент Ислом Каримовнинг улкан ташаббускорлиги борлигини алоҳида таъкидладилар.

Конференцияда Президент Ислом Каримов мамлакатимизда нефт ва газ ишлаб чиқариш борасида қилинаётган бунёдкорлик ишлари, мавжуд улкан имкониятлар ҳақида сўзлади.

— Ўзбекистонда топилган газ заҳиралари қарийб 2 триллион кубометрни, кўмир заҳираси 2 триллион тоннадан зиёдни ташкил этади, — деди жумладан юртбошимиз. — Бизда 160 дан ортиқ нефт конлари мавжуд. Мамлакатимизнинг қарийб 60 фоиз ҳудуди нефт ва газ қазиб олиш учун истиқболли саналади. Нефт заҳиралари бўйича умумий потенциал 4 миллиарддан зиёд тоннани, газ конденсати 630 миллион тоннани, табиий газ миқдори эса қарийб 5 триллион кубометрни ташкил этади. Нефт ва газ заҳираларининг умумий қиймати 1 триллион доллардан ортиққа баҳоланмоқда.

Шуниси аҳамиятлики, мамлакатимизда нефтнинг 90 фоиздан ортиғи энг арзон ҳисобланган «Фаввора» услубида қазиб олинмоқда. Ўзбекистонда топилган нефт заҳираларининг ишланганлик даражаси атиги 32 фоизни ташкил этади. Шу кўрсаткич Туркманистонда — 61, Қирғизистонда — 41, Тожикистонда — 60 фоизни ташкил қилади. Топилган газ конлари соҳасида ҳам айнан шундай манзарага гувоҳ бўласиз. Бу Ўзбекистон билан ҳамкорликнинг ғоят истиқболли эканидан дарак беради. Айни пайтда замонавий хорижий технологияларни жорий этиш қўшимча яна 50 миллион тонна нефт қазиб олиш имконини беради.

Хьюстонлик ишбилармонлар мамлакатимизда хорижлик сармоядорлар учун яратилган ҳуқуқий шарт-шароитлар, кафолатлардан ҳам воқиф бўлдилар. Конференция ниҳоясида «Ўзбекнефтгаз» миллий корпорацияси билан «Тексако» компанияси ўртасида қўшма корхона таъсис этиш ҳақидаги шартнома, шунингдек, «Ўзбекнефтгаз» билан «Инрон ойл энд газ» корпорацияси ўртасида газ конларини қидириб топиш ва қазиб олиш бўйича қўшма корхона тузиш шартлари ҳақидаги шартнома имзоланди.

Хьюстонда ҳам Президентимиз ўзаро ҳамкорлиқни ривожлантиришга хизмат қиладиган бир қанча учрашувлар ўтказди. Хьюстон шаҳри ҳокими Р. Ланиер, «Юнокал» ва «Дельта» компаниялари раҳбарияти, «Эй-Би-Би» концерни президенти ва ижроия директори П. Барнавик, «Инрон» корпорацияси президенти К. Лей билан бўлиб ўтган учрашувлар шулар жумласидандир.

Ўзбекистон давлат геология ва минерал ресурслар бўйича давлат қўмитаси 28 июнь куни Колорадо штатининг Денвер шаҳрида «Ўзбекистоннинг маъдан-хомашё базаси» мавзуида тақдимот ўтказди. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ана шу тақдимот доирасида уюштирилган мамлакатимиз фойдали қазилмаларини қазиб олиш ва қайта ишлаш соҳаси сармоя имкониятларига бағишланган конференцияда нутқ сўзлади.

— Мен Ўзбекистон билан бир хил кенгликда, бироқ заминимизнинг бошқа ярим шарида жойлашган, Ўзбекистон каби олтин, уран, рангли металлар қазиб олишда катта тарихга эга Колорадо штатида сўзга чиқишдан мамнунман, — деди мамлакатимиз раҳбари. — Ўзбекистон ўз ер ости бойликлари билан ҳаққли равишда фахрланади. Бугунги кунда маъдан хомашёсининг 100 га яқин турини ўз ичига олган турфа истиқболли фойдали қазилмаларнинг 2700 дан зиёд кони топилган. Уларнинг 60 тасидан халқ хўжалигида фойдаланилмоқда.

Заҳиралари 970 миллиард долларлик 900 дан ортиқ кон аниқланган. Мамлакатимиз умумий маъдан-хомашё салоҳияти 3,3 триллион долларга баҳоланади.

Ислом Каримов ўз нутқида бу соҳада ҳамкорликнинг истиқболли йўналишларини қайд этди. Мамлакатимиз ҳукумати ўзаро фойдали ҳамкорлик учун қулай шарт-шароит, ҳуқуқий кафолатлар яратганини қайд этиб, шерикликда фаолият юритишга даъват этди.

Юртбошимиз Денверга ташриф чоғида Колорадо штати губернатори Р. Ромер билан учрашди. «Адамс марк» меҳмонхонасида бўлиб ўтган бу учрашувда Ўзбекистон Республика ҳукумати билан Колорадо штати ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги битим имзоланди.

Маълумки, «Ньюмонт майнинг» корпорацияси мамлакатимиз билан самарали ҳамкорлик қилиб келмоқда. Ислом Каримов бу ҳамкорликни кўп марта бошқаларга ибрат сифатида қайд этган эди. Давлатимиз раҳбари «Ньюмонт майнинг» корпорацияси қароргоҳига ҳам ташриф буюрди. Бу ерда Ўзбекистон геология ва минерал ресурслар давлат қўмитаси билан «Ньюмонт майнинг» корпорацияси ўртасида мамлакатимиз шарқида олтин конларини қидириш ва тадқиқ этиш бўйича қўшма корхона ташкил этиш ҳақидаги ҳамда Ўзбекистон геология ва минерал ресурслар давлат қўмитаси «Ньюмонт майнинг» корпарацияси ва «Мицуи» корпарацияси ўртасида «Қизилолмасой» ва «Қўчбулоқ» конларини биргаликда қазиш тўғрисидаги битим имзоланди.

Шу билан Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг Америка Қўшма Штатларига самарали ташрифи ниҳоясига етди.

Албатта, ҳали бу тарихий ташриф ҳақида кўп ёзилади. Олимлар келажакда унинг моҳияти, Ватанимиз тарихи, Ўзбекистон-Америка муносабатлари тадрижидаги ўрни ҳақидаги талай тадқиқотлар ўтказишади. Бироқ, аминмизки, улар бир масалада биз билан ҳамфикр бўладилар. Ўзбекистон Президенти ўзининг бу ташрифи билан нафақат икки мамлакат муносабатларида, балки озод ва мустақил Ватанимиз тарихида ҳам янги даврни бошлаб берди. Шу ўринда ташриф дастлаб Италиядан бошланганини, у ерда Европа Иттифоқига аъзо мамлакатлар давлат ва ҳукумат раҳбарларининг олий даражадаги учрашуви доирасида Европа Иттифоқи билан Ўзбекистон ўртасида шериклик ва ҳамкорлик тўғрисида ҳужжат имзоланганини эслаб ўтиш лозим.

АҚШга ташриф чоғида мамлакатимиз раҳбарига Президентнинг Давлат маслаҳатчилари Б. Ғуломов, С. Сафоев, В. Голишев, Бош вазир ўринбосарлари Б. Ҳамидов, Қ. Ҳаққулов, ташқи ишлар вазири А. Комилов, мудофаа вазири Р. Аҳмедов, Ўзбекистоннинг АҚШдаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Ф. Тешабоев ва бошқа расмий кишилар хамроҳлик қилди.

29 июнь куни Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов Тошкентга қайтиб келди.

Тошкент аэропортида юртбошимизни Ўзбекистон Олий Мажлиси Раиси Э. Халилов, Бош вазир Ў. Султонов, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков, Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Т. Алимов, Тошкент шаҳри ҳокими К. Тўлаганов кутиб олди.

**Амиркул КАРИМ,**
**ЎзА махсус мухбири.**
**Тошкент-Вашингтон-Хьюстон-Денвер-Вашингтон-Тошкент.**
**Ф.Курбонбоев олган сурат.**

---

*Туманлар йўқламаси: ЯККАСАРОЙ*

# УЛУҒ АЙЁМ ТАРАДДУДИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

**— Байрам тайёргарлиги деганда биринчи навбатда кўз ўнгимизга ободончилик ишлари келади. Зеро, шаҳримизда, хусусан, Яккасарой туманида олиб борилаётган кенг миқёсли ўзгаришлар ҳам буни исботлаб турибди.**

— Аслида ободонлаштириш мавсумий эмас, балки йил бўйи давом этадиган тадбирдир. Биз кундалик фаолиятимизда ана шунга амал қиляпмиз. Мана шу саъй-ҳаракатларимиз туфайли Жанубий вокзал янги қиёфа кашф этди. Бу ерга келган йўловчиларга қулай шароитлар яратилди. Бугун уларга кенг ва равон йўллар, турнақатор дўконлар хизмат кўрсатмоқда.

«Ракат» канали бўйлаб олиб бораётган ишларимиз ҳам ўз ижобий натижасини кўрсатиб турибди. Агар билсангиз канал бутунлай ташландиқ ҳолга келиб қолганди. Ободонлаштириш ишларини фақат ҳашар йўли билан амалга оширдик. Канал йўналишидаги 9 та маҳалла бу хайрли ишга жалб этилди. Ҳозирда яккасаройликлар канал сувидан экин-тикинлар ва мевали дарахтларни суғоришда фойдаланишяпти. Канал таъмирлангандан сўнг, туманимиздаги 28 та кўча чеккасидаги қуриб ётган ариқларга сув келди. Ҳозир «Салор» канали йўналишида ҳам шундай тадбир ўтказаяпмиз.

«Қушбеги» даҳасида 1250 ўринли мактаб биноси қурилиши жадал суратларда олиб борилмоқда. Мактаб байрам тантаналари арафасида фойдаланишга топширилади. Мустақиллик кунигача Саломатин ва Ҳамза Умаров кўчалари бутунлай янгиланади. Бобур ва Усмон Носир кўчалари ҳам янги қиёфа касб этади. «Тезиков» бозори қурилишининг биринчи босқичи якунланади. Абдуллаев ва Нормуҳамедов мавзеларида жойлашган уйлар таъмирланади. Кўпсонли аҳоли илтимосини инобатга олиб ҳар иккала мавзеда тўйхона қурилади. «Ракат» маҳалла маркази қурилиши ҳам байрамгача ниҳоясига етади.

Туманимиз Тошкент шаҳрининг энг йирик маъмурий саноат маркази ҳисобланади. Бу бизда ишчилар кўпчиликни ташкил этади, демакдир. Улар орасида уй-жойга муҳтож оилалар ҳам бор. Шуни ҳисобга олиб уй-жой қурилишига ҳам кенг эътибор беряпмиз. Яқинда 32 ва 72 оилага мўлжалланган иккита уй фойдаланишга топширилган эди. Ҳозирда Бобур даҳасида бунёд этилган тўрт қаватли уйда қурилиш якунланмоқда.

**— Мулкчилик муносабатларини ўзгартириш, тадбиркорликни ривожлантириш иқтисодий ислоҳотларнинг устивор йўналишларини ташкил этади. Байрам тайёргарлиги давомида бу масалалар ҳам эътибордан четда қолмаса керак?**

— Ҳозиргача 358 та иншоот давлат тасарруфидан чиқарилиб хусусийлаштирилди, ҳиссадорлик жамиятига айлантирилди. Буларнинг 69 фоизи савдо нуқталари, маиший хизмат кўрсатиш уйлари, умумий овқатланиш корхоналаридир. Шунингдек, тумандаги 20 дан зиёд саноат корхоналаридан 15 таси ҳиссадорлик жамияти таркибига ўтиб ишлашмоқда. Янги усулда ишлаётганлар орасида «Тоштўқимачи», «Саноатқурилишиндустрия», «Элбор», 1-ёғочни қайта ишлаш корхоналари бор.

**— Маълумки, байрамларда ногирон кишиларга, кўп болали оналарга, меҳнат кексаларига, етим-есирларга моддий ва маънавий ёрдам бериш одат тусига кирган. Бу ҳақда ҳам ўзига хос тадбирлар белгиланаётган бўлса керак?**

— Инсон кўнгли гулдан нозик. Уни биргина сўз билан ёки арзимас совға билан кўтариб юбориш, аксинча ранжитиб қўйиш мумкин. Аслида бу ерда гап совға устида ҳам эмас, балки инсон қадр-қиммати, унга эътибор хусусида бормоқда. Шунинг учун ҳам юқорида сиз санаб ўтган тоифадаги кишиларга биринчи навбатда эътибор қаратилади. Бунинг режасини аллақачон тузиб қўйганмиз. Туманимиздаги йирик саноат корхоналари ва фирмалари уларга хомийлик қилишмоқда. Туманимизда ташкил этилган «Маҳалла» хайрия жамғармаси ҳам бу ишдан четда қолмайди. Байрам тайёргарлигини режали олиб бориш учун туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Нурилла Насимов бошчилигида тузилган 12 кишилик ҳайъат аъзолари байрам тантаналари билан боғлиқ бўлган барча масалаларни қамраб олишган.

Хуллас, мустақиллигимизнинг беш йиллик тантаналари ҳар галгидек Бобур маданият ва истироҳат боғи, Тўқимачилар маданият саройи майдони, маҳаллалар марказида катта тантаналар билан ўтади. Бу жойларда эрта тонгдан бошлаб карнай-сурнай садолари одамларни даврага чорлайди.

Шу ўринда яна бир нарсани айтиб ўтиш жоиз. Ҳозир хаёлимизни бир янгилик банд этиб турибди. Бу туманимиз ва унинг меҳнаткашлари учун эсдалик жой бунёд этиш фикридир. Бу даргоҳ шундай бўлиши керакки, у ҳам туманимиз қиёфасини эслатиб турсин, ҳам аҳолининг севимли масканига айланиб қолсин. Бу ерга келган киши ҳамиша ундан завқ ва шавқ олсин. Ажаб эмаски, яхши ниятимиз амалга ошиб, келажак байрамлар марказини мана шу эсдалик жойи ташкил этса.

Ҳамсуҳбат
Маҳмуд КОМИЛЖОНОВ.

---

*Мулкни — ҳақиқий эгасига*

# БАРЧА ШАРОИТЛАР МУҲАЙЁ

***Бугунги кунда Ўзбекистон енгил саноатининг яловбардорларидан бири бўлган «Тоштўқимачи» ҳиссадорлик жамиятида ҳам Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 5 йиллик тантаналарига қизғин тайёргарлик кўрилмоқда. Шу муносабат билан 12 минг кишилик жамоа кунлик иш суръатларини янада юксалтириб, янги-янги довонларни забт этишга интилмоқда.***

Хусусан бозор иқтисодиёти шароитида ҳам бу ерда нафақат бежирим газламалар, балки сифатли иплар ишлаб чиқарилаётгани ҳам фикримизнинг далилидир. Шунингдек, корхона цехларига янги ва замонавий тўқув дастгоҳлари, йигирув аппаратлари, трикотаж буюмлар ишлаб чиқарадиган ускуналар ўрнатилаётгани ҳам буни исботлаб турибди.

Шу кунгача замон талабларига тўла жавоб берувчи шовқинсиз ишлайдиган СТБ русумли энли газлама ишлаб чиқарадиган тўқув дастгоҳларидан 956 таси ўрнатилиб, ишга туширилди. Бугун улар ёрдамида ойига 2 миллион 260 минг метр хом сурп ва костюмбоп газламалар тайёрланмоқда. Ўрта Осиёда ягона бўлган ип фабрикасини техникавий жиҳозлаш ишларига ҳам катта эътибор берилмоқда. Айни кунларда фабрикада хорижий фирмадан келтирилган ипларни уловчи ускуналар ўрнатила бошланди. Ўтган ойда ип ишлаб чиқариш режаси 100 фоизни ташкил этди.

Корхона маҳсулотларини сақлаш омборида тайёр маҳсулотлар узоқ туриб қолмаяпти. Улар сифати талабга тўла жавоб бераётганлиги учун харидорлар томонидан тез олиб кетилмоқда. Тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи пардозлаш фабрикаси май ойида харидорларга 11 миллион метр бежирим газлама етказиб берди. Натижада корхона ишчи-хизматчиларининг маошига барака кирди. Фабрика ишлаб чиқаришида ҳар бир тийин ҳисобда, айниқса хом ашёни тежашга эътибор кучли.

«Тоштўқимачи» ҳиссадорлик жамияти ёрлиғи билан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар бугун нафақат республикамизда, балки, унинг ташқарисида ҳам ўз харидорларига эга бўлмоқда. Ўтган йил натижаларига қарайдиган бўлсак, тошкентлик тўқимачилар 1 миллион 742 минг долларлик маҳсулот сотдилар. Бунда албатта хорижий давлатлар — Италия, Исландия, Испания билан тузилган икки томонлама фойдали шартномаларнинг самараси катта бўлди.

Ишлаб топилган валютанинг бир қисмига тараш машиналари учун жиҳозлар, химикатлар, энг асосийси ип фабрикаси учун ускуналар сотиб олинди. Швейцариядаги фирма билан зарур ускуналар сотиб олиш учун тузилган шартнома бўйича 800 минг доллар ўтказилди. Ҳозир италияликлар билан 40-артикулли калава учун шартномага имзо чекиш арафасида турилибди.

Хуллас, тошкентлик тўқимачилар тиниб-тинчишмаяпти. Корхона раҳбарияти кўп минг сонли ишчиларнинг намунали ишлаши учун барча шарт-шароитларни яратиб бермоқда.

Баҳодир ОРИПОВ.



*«Тоштўқимачи» ҳиссадорлик жамияти Яккасарой туманидаги йирик ишлаб чиқариш жамоаларидан биридир. Бу ерда меҳнат қилаётган тўқимачилар мамлакатимиз довруғини хорижий элларга ёйиш мақсадида рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришга муҳим эътибор беришмоқда. Улкан корхона цехларига ўрнатилаётган янги дастгоҳлар иш унумини ошириб, маҳсулот сифатини янада жозибали қилмоқда.*

*СУРАТДА: «Тоштўқимачи» ҳиссадорлик жамияти цехларига ўрнатилган замонавий дастгоҳлар.*

---

*Хусусий корхоналар фаолиятидан*

# ХАРИДОРГИР МАҲСУЛОТЛАР

***Бугунги кунда туманда юзлаб қўшма ва хусусий корхоналар ишлаб турибди. Улар томонидан тайёрланаётган маҳсулотлар харидоргирлиги билан ажралиб туради. Улардан бири «Абдурашид» хусусий корхонасидир.***

Ушбу корхонанинг ташкил этилганига ҳали кўп вақт бўлгани йўқ. Лекин у тайёрланаётган маҳсулотнинг сифатлилиги ва ўта кераклилиги билан мижозлар эътиборини қозонган. Корхонага ўз касбининг устаси бўлган Абдурашид Ваҳобов раҳбарлик қилмоқда.

— Биз уч турдаги маҳсулот тайёрлашга ихтисослашганмиз, — дейди бошлиқ. — Бу маҳсулотлар ойна, ғишт ва елимлардан иборатдир. Айниқса, корхонамиз томонидан тайёрланаётган ғишт маҳсулотларига харидорлар сони тобора ортиб бормоқда. Шуни ҳисобга олиб бу маҳсулот турини кўпроқ тайёрлашга ҳаракат қиляпмиз. Бир кунда уч смена давомида 60 минг дона ғишт ишлаб чиқаряпмиз. Бизга ғишт учун зарур бўлган хом ашёни Зангиота тумани етказиб беради. Хомашё узилишларига йўл қўймаслик учун ҳамкорларимиз билан ўзаро қатъий шартнома боғлаганмиз. Шунга кўра керакли маҳсулотлар корхонамизга мунтазам етказиб берилади.

Бугунги кунда ушбу корхонада 275 та ишчи меҳнат қиляпти. Уларнинг ойлик маошлари ҳам яхши. Ўртача 4-5 минг сўмни ташкил этади. Ишчиларга қулай шароитлар яратиш ҳамиша мутасаддиларнинг диққат эътиборида. Масалан, уларга 50 фоиз миқдорида тушлик овқат ҳақи тўланади. Ишчилар махсус кийимлар билан таъминланадилар. Уларга ҳар куни бепул сут берилади.

— Ҳозир ҳамма жойда бўлгани каби корхонамизда ҳам Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг беш йиллик байрамига катта тайёргарлик кетмоқда. Мақсадимиз бу қутлуғ айёмгача корхона ҳудудини ободонлаштириш, шунингдек ишчиларимизни ўзига хос совғалар билан тақдирлашдан иборат. Байрам кунлари ҳаммамиз туманимиз марказида ўтказиладиган тантаналарда қатнашиш учун эрталабдан Тўқимачилар маданият саройи ҳудудига йиғиламиз.

Комил МУХТОРОВ.

---



*Туманда Мустақиллик байрамининг беш йиллиги олдидан кенг кўламда ободонлаштириш ишлари олиб борилмоқда, ҳамма ерда орасталик ўрнатишга қарор қилинган.*

*СУРАТДА: туманда кенг кўламда олиб борилаётган ободонлаштириш ишларидан бир лавҳа.*

*. Рустам Шарипов олган суратлар.*

---

*Иш билан бандлик*

# ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯГА ЭЪТИБОР

***Туман бандлик хизмати бир неча йилдан бери зиммасига юклатилган вазифаларни баҳоли қудрат уддалаб келмоқда. Айниқса яккасаройликларни иш билан банд этиш, касбини ўзгартирмоқчи ёхуд малакасини оширмоқчи бўлган фуқароларни қайта ўқитиш, янги касбларга ўргатиш, муддатидан олдин нафақага чиқариш, ўзига иш топа олмаётган фуқароларга ишсизлик мақоми бериш ва ҳоказолар билан мунтазам машғул.***

Бандлик хизмати раҳбари Маъмура Азизованинг таъкидлашича, кейинги вақтда фуқаролар бирон янги ишга жойлашишдан аввал янги ва замонавий касбларни ўзлаштиришга уринмоқдалар. Бухгалтерлик, компьютер операторлиги, тикувчи-бичувчи ва шунга ўхшаш маданий-маиший хизмат соҳаларига қизиқиш катта.

Маълум бўлишича, йил бошидан бери бандлик хизматига 580 нафар фуқаро ишга жойлашиш масаласида мурожаат этган бўлса, шундан 423 нафари ишга қабул қилинган. 64 фуқаро эса касб ўрганиш, қайта ўқишга мурожаат этиб, ҳозирда улардан 54 нафари ўқимоқда. 14 фуқаро муддатидан илгари нафақага кузатилган, 108 фуқарога ишсизлик мақоми берилган.

Кейинги вақтларда бандлик хизмати мавжуд 17 та маҳалла билан ҳамжиҳатликда иш олиб бориб, вақтинча ишсиз юрган йигит-қизларни иш билан таъминлашга ҳаракат қилмоқда. Май ойининг ўзида шундай ёшлардан 286 нафарига ҳуқуқий маслаҳат берилиб, 109 нафари эса ишга йўлланма олган.

— Асосан бўш иш ўринлари саноат, қурилиш, турар жой ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчаларида мавжуд, — дейди раҳбар. — Агар апрель ойини кўрадиган бўлсак, саноатда 396 та, шундан 374 таси ишчилар, 12 таси муҳандис-техник ходимлар ва хизматчи иш ўринларидир. Қурилишда эса 546 та бўш иш ўрни мавжуд бўлса, шундан 535 нафари ишчилар, 11 нафари муҳандислар учун мўлжалланган. Албатта бу рақамлар тез-тез ўзгариб туради. Шундан бўлса керак, тадбиркорлик билан иш олиб бориш, қўшма ва кичик корхоналар ташкил этиш, айрим корхоналарни давлат тасарруфидан чиқариш кутилган натижалар салмоғини оширмоқда. Ўтган ойда бандлик хизматига 1262 корхона бўш иш ўринлари (вакансия) йўқлиги ҳақида маълумот берган. Бу ҳам ўз навбатида корхона ва ташкилотларда бирмунча имтиёзлар ёки маошга боғлиқ муаммолар ижобий ҳал этилаётганидан дарак беради.

Чиндан ҳам бандлик хизмати мутасаддиларининг саъй-ҳаракатлари билан ишсиз фуқароларни ижтимоий муҳофаза қилишда яхши кўрсаткичларга эришилмоқда. Шу йилнинг май ойида ўтказилган «Бўш ишчи ўринлар, ўқиш жойлар ва вакант ўринлар» ярмаркаси ҳам кўп самара берди. Тумандаги 87 та йирик корхона, 15 та мактабдан 9-11-синф ўқувчилари (жами 1100 нафар) мазкур ярмаркада иштирок этиб, касб-ҳунарга оид фойдали маслаҳатлар олдилар. Маҳалла фаоллари ҳам бу тадбирда иштирок этишди.

— Ҳозирги кунда бозор иқтисодиётининг талаб ва таклифлари асосида ишлаш керак, — дейди Маъмура Азизова. — Муҳими, ҳар биримиз бозордан ўз ўрнимизни топишга интилишимиз зарур. Энди аввалги тузум, аввалги чеклашлар йўқ. Фуқаро ўзи хоҳлаган соҳада, ҳудудда, қолаверса, мамлакатда меҳнат қилиш ҳуқуқига эга. Эркинлик ва мустақиллик, бу бизнинг энг буюк имкониятларимиздир.

Зоир ТУРСУНОВ.

